



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2009-yil • 27-iyun • Shanba • 76 (30.037) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

«Бу ҳаётда адолат учун, ҳақиқат учун курашадиган, «Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз», деган эътиқод ва гуруҳ билан яшайдиган одамларни, журналистларни, қалам аҳлини мен ўзимга энг яқин инсонлар деб биламан».

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар! Авваламбор, сиз азизларни, ўзини матбуот соҳасига бағишлаган заҳматқаш ва фидойи инсонларни мамлакатимиз ривожини, Ватанимиз тараққиётини таъминлаш, жамиятимиз олдида турган юксак мақсадларга эришиш, яъни, ҳар томонлама обод, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида қилаётган олижаноб меҳнатингизни муносиб баҳолаб, барчангизни бугунги касб байрамингиз билан миллионлаб мухлисларингиз, бутун халқимиз қатори чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Ўзингиз айтинг, журналист меҳнатининг қадрини, бу борада қобилият ва ижодий маҳоратнинг қанчалик зарурлигини яхши биладиган, ҳар бир мақола, ҳар бир эшиттириш ёки кўрсатув учун кўз нури, юрак кўрини бағишлаб яшайдиган инсонлар соҳадаги ютуқ ва камчиликларга ҳолисона ва танқидий баҳо бермаса, бошқа ким ҳам баҳо бериши мумкин?

Шунинг учун ҳам журналистларимизнинг ўз фаолиятини юксак талаб ва мезонлар нуқтаи назаридан баҳолаб, миллий матбуотимизни дунёдаги ривожланган оммавий ахборот воситалари даражасига кўтариш масаласи энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу борада биз эскидан қолган, қўлоғимизни кишандек боғлайдиган баъзи бир қоидалардан, овозимизни баралла қўйишга ҳалақит бераётган номаъқул қарашлардан, мухтасар қилиб, ўзбекона қилиб айтганда, андишани нотўғри тушуниш, ўзини ўзи назорат қилиш каби ҳолатлардан воз кечишимиз зарур.

Ҳақиқатан ҳам, матбуотнинг энг муҳим вазифаси бугун мамлакатимизда олиб борилаётган таълим ва ички сиёсатни оддий фуқаролар кўзи билан, яъни, турли-туман нуқтаи назарлардан баҳолаб ифода қилиш, шу билан бирга, йўлнинг тўсиқ бўлиб турган иллатларга — бу коррупция ёки амалпарастлик бўладими, маҳаллийчилик, одамларнинг дардини кўрмаслик бўладими — буларнинг барчасига қарши мурокасиз курашиш, бир сўз билан айтганда, адолатни қарор топтириш, жамиятимизни янада эркинлаштириш учун ўзини аямасдан, виждон амри билан яшаш журналист деган касбни танлаган инсонлар учун доимий ҳаёт мақсади бўлишини истардим.

Шу борада ҳаётимизда учраб турадиган яна бир масалага тўхталиш жоиз: биз да раҳбарга ва мансабда ўтирган кишига иттифоқчилик билан, муте бўлиб қараш ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Хизмат вазифасини ўзига умрбод мерос қилиб берилгандек тушунадиган, амал гўёки менга савлат, ақл бағишлайди, буйруқбозлик қилиш учун асос беради, деб ўйлайдиган ва шундай иш тутадиган мансабдорлар ҳам, афсуски, бугун оз эмас.

Савол туғилади: мана шундай раҳбарларни фож қиладиган, кўзини очиб қўядиган, лўнда қилиб айтганда, уларни қўлгадан тортиб офтобга чиқарадиган ким бўлиши керак?

Албатта, қонун, жамоатчилигимиз, тегишли идоралар, лекин бу борада энг таъсирчан куч — бу матбуот, десак, ўйлайманки, ани ҳақиқатни айтган бўламиз. Мустаҳкам ирода ва ўткир қаламга эга бўлган журналистгина бундай салбий иллатларга нисбатан кенг жамоатчилик фикрини шакллантириш, ноқобил раҳбарларнинг ички дунёсини, уларнинг қирқдорларини очиб беришга қодир бўлади.

Агарки менга буюрса, эл-юрт манфаати учун ўз шахсий манфаатидан, хузур-ҳаловатидан воз кечиб, ҳатто ўз ҳаётини ҳаф остига қўйиб яшайдиган қонқуяр журналистларнинг ижодий жасоратини алоҳида тақдирлаган бўлардим. Чунки матбуотда бундай кескин мавзуларни кўтариб чиқиш, уларни ҳолис ва ҳаққоний еритиб бериш учун инсонда аввало катта юрак, воқеликка фаол муносабат, қатъий ҳаётий принциплар бўлиши керак.

Масалага янада чуқурроқ қарайдиган бўлсак, юқоридики билдирилган барча фикрларни мужассам эътибор билан бир тушунча борки, у ҳам бўлса, журналистнинг гражданлик позициясидир. Яъни, шу юрт меники, шу заминдаги ютуқ ва ўзгаришлар ҳам меники, лекин ҳаётимиз, тезкор тараққиётимиз йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга биринчи навбатда мен дахлдор ва масъулман, деган эзгу интилиш матбуот аҳлига ярашадиган энг муносиб фазилатдир.

Шу борада қалбимда, юрагимда бўлган бир фикрни сиз азизларга айтмоқчиман — бу ҳаётда адолат учун, ҳақиқат учун курашадиган, «Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз», деган эътиқод ва гуруҳ билан яшайдиган одамларни, журналистлар, қалам аҳлини мен ўзимга энг яқин инсонлар деб биламан. Бугунги имкониятдан фойдаланиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашга, керак пайтда ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни, уларни ўзининг ҳамфиқри ва маслақдошларим, деб билишимни яна бир бор изҳор этмоқчиман.

Азиз дўстлар, мухтарам матбуотимиз фидойилари ва фахрийлари! Сизларни бугунги кўтлуг байрамингиз билан самимий табриклаш эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, янги ижодий ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти



ВАТАН МАНФААТИ ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ БУРЧ

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш жараёнида миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, унинг жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилди. Бундай гамхўрлик ва эътибор соҳа ходимларидан жамият олдидаги ўз маънавий бурчини астойдил ҳис этишни, касбга янада масъулият ва фидойилик билан ёндашушни, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги

ҳимоячисига айланишни талаб этади. 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Ўзбек миллий академик драма театрида бўлиб ўтган тантанали йиғилишида ана шулар ҳақида сўз борди.

Тадбирга оммавий ахборот воситалари ходимлари, матбуот соҳасида кўп йиллар самарали ва ҳалол меҳнат қилган кекса журналистлар, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, ёш ижодкорлар, жамоатчилик вакиллари тақдиф этилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2008» ТАНЛОВИ ҲОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Танлов ғолиблари:

Соғиндик ЖАНИЕВ «Эркин Қарақалпақстан» — «Вести Қарақалпақстана» газеталари муҳбири
Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришларни ёритган мақолалари учун
Абдували КУЗЕМБАЕВ Нувоий вилояти Қонимех тумани ҳокимлигининг «Қонимех тани» газетаси муҳаррири
Ижтимоий-иқтисодий мавзудаги таҳлилий материаллари учун
Замира МЕҲМОНОВА Наманган вилояти Чуст тумани ҳокимлигининг «Чуст ҳақиқати» газетаси масъул котиби
«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган туркум мақолалари учун
Жамшид НИЁЗОВ «Ватанпарвар» газетаси муҳбири
Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги

туркум материаллари учун
Ситора ТОҶИДДИНОВА «Хуррият» мустақил газетаси муҳбири
Маънавий-маърифий йўналишдаги таҳлилий материаллари учун
Зоир ТОҶИРОВ Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети кафедра мудири
Журналистика соҳасига кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун
Олим ТҶАКУЛОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги республика ахбороти таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари
Ешлар мавзусига бағишланган туркум мақолалари учун
Товбай ХУЖАМБЕРДИЕВ «Жиззах ҳақиқати» газетасининг бўлими муҳаррири
Ижтимоий-сиёсий йўналишдаги долзарб мақолалари учун
Ҳабиба ЮНУСОВА Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Ахборот марказининг Фарғона вилояти муҳбири
Маънавий мерос, миллий қадриятлар, аъёнлар ва урф-одатлар ҳақидаги кўрсатувлари учун

(Давоми 2-бетда)

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати



Мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакилилик органлари демократик сайлов ўтказиш бўйича умумэътироф этилган халқаро принциплар ва ҳуқуқий нормаларга тўлиқ мос келадиган сайлов қонунчилиги яратилган. ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги сиёсий семинарнинг навбатдаги машғулотлари «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон ХДП тузилмалари ва электорати орасида тушунтириш ишларини жадаллаштириш» мавзусига ба-

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ТАКОМИЛДАШУВИ

партия тузилмалар ва электорат вакиллари орасида тушунтириш ишларини жадаллаштиришни талаб этади

Қонунчилик палатаси депутати:

— Жамият ҳаёти ривожланиб, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий савияси ортиб бормоқда. Шу билан бирга, қонун ҳужжатлари, метёрий ҳужжатлар ҳам албатта шунга мос равишда янгиланиб, тақомиллашиб бормоқда. Буларни электоратимиз вакиллари тушунтириш, мазмун-моҳиятини содда, раван тохтада етказиб бериш партия фаолларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Қу борада фаолларимиз қандай ишларни амалга ошириши керак? Биринчидан, партия ташкилотлари ушбу мавзуга бағишланган сиёсий семинар-

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

2009 йил 25 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламент фракцияси ташаббуси кўра, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар бошлиқлари Кенгашининг 15-16 июнь кунлари Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган мажлиси якунлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Ушбу мавзу юзасидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Латиф Фуломовнинг маърузаси тингланди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ўз нутқида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг ўтган даврдаги фаолиятига ижобий баҳо берди, минтақавий ва глобал хавфсизлик муаммоларини ҳал этишда унинг ўсиб бораётган ролини ва бунинг аҳамиятини кўрсатиб ўтди. Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг самарали ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, минтақадан бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда таъминлашга, иқтисодий муаммоларни ҳал этишга ва жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишга йўналтирилган ташаббуслар билан чиқди.

Давлатимиз раҳбари Афғонистондаги вазият ҳақида сўз юритар экан, БМТ шафелитида халқаро механизм — «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди. Шунингдек, афғон муаммосини, кўп миллат-

ли афғон халқининг тарихий илдизларига, ислом динининг аънавий қадриятларига ҳурмат билан қараш ва ушбу мамлакат ичида яқдилликка эришиш асосида ҳал этиш мумкинчилигини алоҳида таъкидлади.

Муҳокама якунлари бўйича Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистоннинг ташаббусларини амалда рўёбога чиқаришга ҳар томонлама кўмаклашишга, шунингдек, келгуси даврда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда таъминлашга раислиги функциялари самарали амалга оширилишига йўналтирилган тегишли қарор қабул қилди. Қарор Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар бошлиқлари Кенгашининг мажлисида Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган ташаббусларни аҳоли орасида кенг тушунтиришда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг фаол иштирок этишини таъминлаш ҳам назарда тутилди.

(Ўз муҳбиримиз)

талари миллий ассоциацияси Ахборот марказининг Фарғона вилояти муҳбири
Маънавий мерос, миллий қадриятлар, аъёнлар ва урф-одатлар ҳақидаги кўрсатувлари учун
Мухаббат ҲАМРОЕВА «Ешлар» телерадиоканали катта муҳаррири
«Сўнмас юлдузлар» туркумидаги муаллифлик кўрсатувлари учун
Қуйидаги журналистлар ижодий танловнинг рағбатлантирувчи мукофотида сазовор бўдилар:

Гулмира БЕРМАНОВА УНТТ «Эркин фикр» студиясининг лойиҳа раҳбари
Дилшод БҶҮРИЕВ Ўзбекистон Миллий телерадиоканали «Тошкент» телерадиоканали муҳаррири

Сергей ГАПЧ (Тошкент вилояти) Чирчиқ шаҳар ҳокимлигининг «Чирчиқ» газетасининг жамоатчи муҳбири
Гулбахор ДАВИРОВА Ўзбекистон Миллий телерадиоканали «Ўзбекистон» телерадиоканали сиёсий шарҳловчиси

Дилшод ИСРОИЛОВ «Тошкент оққоми» газетаси бош муҳаррири ўринбосари
Шаҳзода КАРИМОВА (Андижон вилояти) Балиқчи тумани ҳокимлигининг «Ғалаба» газетаси муҳаррири

тирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонунга мувофиқ ишларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Иккинчидан, партия ташкилотини раҳбари ёки масъул вакили янада фаол бўлиши, электорат билан ҳамфиқри иш юритиши зарур бўлади.

Анвар Бойқулов, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати:
— Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллашти-

(Давоми 2-бетда)



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2008» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ўткирбек МАТКУРБОНОВ (Хоразм вилояти) Вилоят телерадиокомпанияси катта муҳаррири Шариф МУҲАММАДИЕВ (Сурхондарё вилояти) Жаркўрғон тумани ҳокимлигининг «Жаркўрғон» газетаси муҳаррири Акмал НАЗАРОВ «Бозор, пул ва кредит» журналы бош муҳаррири ўринбосари Мохира ШАКАРОВА (Бухоро вилояти) «Хуқуқ ва бурч» журнаlining вилоят

бўйича муҳбири Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ (Сирдарё вилояти) «Сирдарё ҳақиқати» газетасининг бўлим мудир Маҳаммадҷон ШОДИЕВ «Овози тожик» газетасининг бўлим муҳаррири Ақром ҲАЙДАРОВ (Самарқанд вилояти) «Зарафшон» газетасининг бўлим бошлиғи Муҳаббат ҲАМИДОВА «Гулхан» журналы бош муҳаррири ўринбосари Мақсуд ҲАМРОЕВ (Қашқадарё вилояти) «Дарё» газетаси бош муҳаррири

(Давоми. Боши 1-бетда)

ВАТАН МАНФААТИ ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ БУРЧ

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғулломов давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда оммавий ахборот воситаларини замон талаблари асосида ривожлантириш, матбуот ва сўз эркинлиги тамойилларига амал қилиш, халқимизнинг ҳолис ва ҳаққоний ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашнинг изчил механизми яратилганини таъкидлади.

Бугунги кунда матбуотнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, том маънодаги эркин фикр минбарига айлантиришдаги ролини ошириш, оммавий ахборот воситаларини

(Давоми. Боши 1-бетда)



нинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар ва усуналар билан жиҳозлаш борасидаги ишлар кўлами торабора кенгаймоқда.

Йиғилишда таъкидланганидек, жаҳонда кечётган бугунги мураккаб вазиятда журналистларнинг масъулияти ва мажбурияти ҳар қачонгидан ҳам ортиши шубҳасиз. Жамиятни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш баробарида замондошларимизнинг

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида миллий матбуотимиз истиқболига бағишланган республика форуми бўлиб ўтди.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўтказилган ушбу тадбирда ахборот

ғолибларига мукофотлар топширилди.

Шу билан бирга, спорт соҳасини оммавий ахборот воситаларида фаол ва тезкор ёритиб бораётган бир гуруҳ ижодкорларга Ўзбекистон Республикаси Мадааният ва спорт ишлари вазирлигининг мукофотлари топширилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар миллий матбуотимизни янада раванг топтириш, соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини қадрлаш ва эъзозлаш йўлида кўрсатилган эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Тантанали маросимда саноат усталари ва ижрочи ёшлар ижросида концерт намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА, ЎзА муҳбири

МИЛЛИЙ МАТБУОТИМИЗ ИСТИҚБОЛИГА БАҒИШЛАНДИ

агентликлари, даврий нашрлар, электрон оммавий ахборот воситалари, ёшлар телерадиостанциялари, жамоат ташкилотлари вакиллари, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж.Ҳақимов ва бош-

қалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида миллий матбуотимизни ривожлантириш, таҳририятлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналистларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва эркин фаолият юритиши учун барча зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилган таъкидлади.

Бу йўналишдаги вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж.Ҳақимов ва бош-

қалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида миллий матбуотимизни ривожлантириш, таҳририятлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналистларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва эркин фаолият юритиши учун барча зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилган таъкидлади.

Бу йўналишдаги вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж.Ҳақимов ва бош-

қалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида миллий матбуотимизни ривожлантириш, таҳририятлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналистларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва эркин фаолият юритиши учун барча зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилган таъкидлади.

Бугунги шиддат билан ўзгараётган давр журналистлардан тезкорлик ва ҳозиржавоблик баробарида қатъий, шижоат, фидойилик каби фазилатлар соҳиби бўлиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни талаб этаётди.

Назозат УСМОНОВА, ЎзА муҳбири.

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

партия тузилмалари ва электорат вакиллари орасида тушунтириш ишларини жадаллаштиришни талаб этади

Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари 5 нафардан 10 нафарга кўпайтирилди. Оммавий жамоат бирлашмаси — Ўзбекистон Экологик ҳаракати Олий Мажлис Қонунчилик палатасида унинг вакиллик таъминлаш орқали 15 депутатлик ўрни ажратилди. Демак, сайлов тизими ва қонунчилиги янада эркинлаштирилди. Сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришдаги ваколати кенгайтирилди. Бу, албатта, давлат ҳокимиятининг қонунчилик, вакиллик органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ролини янада оширади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дилбар КОМИЛОВА, Тошкент вилоят Пекент туман партия кенгаши раиси:

— Сайлов жараёни сиёсий партиялар учун янада муҳим синов бўлади. Сайлов қонунчилигига қиртилган демократик ўзгаришлар партияларнинг жамиятдаги ролини, шу билан бирга, улар ўртасидаги рақобатни кучайтиради. Биз бу жараёнларда бевосита иштирок этиш баробарида электоратимиз манфаатига қаратилган амалий ишларни кўпроқ ташкиллаштиришимиз лозим. Шунингдек, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, доимо диққат-эътиборимизда туриши керак. Чунки, сайлов жараёнларида уларнинг сиёсий малака ва иқтидорлари муҳим аҳамият касб этади...

Давра суҳбатининг иккинчи қисмида иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, интерфаол шаклда маз-

кур мавзунинг амалий жиҳатларини муҳокама этдилар, аниқ таъвия ва тақлифларни ишлаб чиқдилар.

Сайёра ДЕҲҚОНОВА, Чилонзор туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси:

— Келажакда депутат бўлмоқчиман. Бу мақсадга эришиш учун бугунги сиёсий жараёнлар, қонунчилигимиздаги ўзгаришлардан доимо хабардор бўлиб боришим лозим. Бунда ЎзАДП МК ҳузуридаги сиёсий ўқувларнинг аҳамияти юқори. Бу каби давра суҳбатлари биз ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларимизни юқолиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга эркин муносабат билдира олишимизга кўмак беради.

Гулрух ОДАШБЕКОВА, Ойбек Қўشбоқов. Сурат муаллифи Шавкат ҚАҲҚОРОВ

Ўз муҳбирларимиз хабар қилади

ПИШИҚ ҒИШТ — ҚУРИЛИШГА

Қамаши туманидаги Қизилтепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда ниҳоятда катта пишқиқ ғишт заводи қурилган, аммо айрим сабабларга кўра, касодга учраган эди. Агар таъбир жоиз бўлса, яхши маънодаги турткига муҳтож бўлиб қолган эди.

«Kambriks maks» масъулияти чекланган жамият номини олган ғишт заводиغا Миллий банк томонидан маблағ ажратилиб, иқтисодни соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилди. Натижада корхона ўнлаб, ҳар куни 30-40 минг донагача пишқиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватини ҳосил қилди. Айниқса, маҳсулот сифатини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Бугун корхона қишлоқ ҳудудларида мактаблар, коллежлар, ўқув юрталари барпо этаётган 20 дан зиёд қурилиш ташкилотига ўз маҳсулотларини етказиб бераёпти.

Юнус УЗОҚОВ

СИФАТЛИ САВДО ХИЗМАТИ

Қорақалпоғистон Республикасида аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилляпти.

«Узлугржисавдоинвест» уюшмаси тизимидаги «Қорақалпоқ-ғиштсавдо» очик акциядорлик жамияти ҳудудий улгуржи савдо базаси аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида катта тажриба орттирган. Утган йили корхона жамоаси озиқ-овқат маҳсулотларининг турлари бўйича белгиланган режаларини ошириб бажаришга муваффақ бўлди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг биринчи чорагида база корхонаси мулкнинг турли шаклидаги 243 та товар ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирмалар, хусусий тадбиркорлар билан 2617,2 миллион сўмлик шартномалар тузди. 170 та чакана савдо корхоналари, тиббий соғломлаштириш муассасалари ва ҳарбий қисмларга 3100,9 миллион сўмлик маҳсулотлар етказиб берилди. Истеъмолчиларга қулайлик яратиб бериш мақсадида 30 фоиз товарлар маркалаштирилган усулда база корхонаси транспортни ёрдамида маҳсулотларга етказилди. Биринчи чорак якунига кўра республика аҳолисига база корхонаси томонидан 1201,1 миллион сўмлик — 354 тонна ун маҳсулотлари, 956,6 миллион сўмлик 612 тонна ўсимлик ёғи ҳарид қилинди.

Жумладан, чакана савдо айланмаси шу йилнинг биринчи чорагида 381,8 миллион сўмдан ошди.

Маълумки, Тошкент шаҳрида шу йилнинг 7-11 апрель кунларида «Узлугржисавдоинвест» томонидан ўтказилган армарка-

да «Қорақалпоқғиштсавдо» очик акциядорлик жамияти мухтассислари ҳам иштирок этдилар. Ва тадбирда қатнашган ишлаб чиқариш корхоналари билан 1285,5 миллион сўмлик шартномалар тузилди. — Маҳсулот таннархини пасайтириш мақсадида туман ҳокимликлари билан келишилган ҳолда корхонамиз томонидан 32 та фирма дўконлари ташкил этилди, — дейди корхона директори Матқарим Отабоев. — Шу жумладан 5 та мини маркет типдаги дўконлар Кеғейли, Кўнғирот, Хўжайли туманларида очилди. Ана шундай дўконлардан иккитаси Нукус шаҳрида ишляпти. 14 та фирма дўконларимиз аҳолига ун ва ўсимлик ёғи билан савдо қилишга диққоқатига киритилган. Шу йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра фирма дўконларимиз 381,8 миллион сўм нақд пулни банкларга топширди.

Республика Вазирлар Кенгаши томонидан тасдиқланган дастур бўйича 16 та озиқ-овқат дўконларида реконструкция ишлари тўла-тўқис битказилиб, ишга туширилди. Корхона раҳбарияти ва унинг жамоаси қишлоқ ва овуллардаги эски фойдаланилмаётган, яроқсиз ҳолатдаги дўконларни реконструкция қилиб, мини маркет дўконлари ташкил этмоқда.

Цехларни кенгайтириш, янги технологиялар билан жиҳозлаш, реконструкция ишларини сифатли ўтказиш корхонанинг соф фойдаси ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Дўконларнинг замонавий типда қайта тикланиши қишлоқ ва овулларнинг ҳусни-чиройини ошмоқда, аҳолининг фаровонлиги ошмоқда. Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

ЎзХДП: партия ташкилотлари конференциялари

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛСА...

ишимиз самараси ортади

«Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизи, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари дунёнинг қўллаб-қувватлаш тилларига таржима қилиниб, кенг ўрганилмоқда. Унинг мазмун-моҳиятини электорат вакиллари тушунириш, тарғиб қилиш, шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастури ижроси мониторингини юритиш партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари олдида турган устувор вазифалардан биридир.

ЎзХДП Собир Раҳимов туман партия ташкилотининг конференциясида ушбу фикрлар алоҳида таъкидланди. Конференцияда кун тартибидagi асосий масала юзасидан маъруза қилган Собир Раҳимов туман партия кенгаши раиси Камолитдин Акрамов ва бошқалар бу борда батафсил сўз юритдилар. Шунингдек, конференцияда туман

партия ташкилотининг беш йиллик фаолияти таҳлил этилди. Амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан фикр билдирди.

Конференцияда сўзга чиққанлар туман партия ташкилоти фаолиятини янада кучайтириш, электорат манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган ишларни такомиллаштириш зарурлигини айтиб ўтишди.

ЎзХДП Марказий Кенгаш раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдулаева партия ташкилотининг тарғибот-ташвиқот, ташаббускорлик ишларига танқидий муносабат билдириб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш лозимлигини таъкидлади.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ўз муҳбиримиз)

Қарор ва ижро

Ризки-рўзимиз шу заминда. Ер бизни қийинтиради, она тупроқ тўйинтиради. Дастурхонимиз кўрки нон, тўкинчилигимиз галла билан. Шу боис ҳуқуқимиз томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, ерлардан оқилонга фойдаланиш, тупроқни муҳофаза қилиш борасида қатор ишлар қилинмоқда.

Республикада галла етиштириш ҳамда уни йиғиштириб олиш, тупроқ унумдорлигини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратиб келинаёпти. Жумладан, галла етиштирувчи фермерларга бошоқли экинларни экиш, парваришлаш, ўриб олиш, ерларни сифатли шудгорлаш учун барча шарт-шароит яратиб берилган.

Жорий йилда республикада 52 мингга яқин галла етиштирувчи фермер хўжалиқлар 955 минг гектар майдонга баракча уруғини сепдилар. Айни кунларда галлазорларда ҳосилни йиғиб-териб олиш ишлари

СОМОННИ ЁҚМАНГ, ЕРНИНГ БАҒРИ ЁНАДИ...

қизгин тус олди. Шуниси қувончлики, далаларда ҳосил чўғи баланд. Ҳосилдан кўнглимиз тук.

Ҳосил гарқ пишган бугдўздорда бўлганмисиз? Болалик хотиралари, хаёлда жонланади. Олтиндай бошоқлар ҳосилдан эгиллиб, шабадада тебраниб турган далами бир кўз олдингизга келтиринг. Бошқа жойларни билмадим-у, чўлда галлазорни шамол худди денгиз тўлқинидай тебратад.

Эсимда, ҳосил йиғини тугачга, мошқ йиғиларди... Чорва моли учун «сомон йиғувчи»лар бисёр бўлса-да, гоҳо поялар кўйдириб, келгуси йил ҳосили «хашарот»лардан ҳимоя қилнард.

Кечагина ҳосилдан боши эзилиб денгиздай чайқалган пайкаллар, одамлар айтмоқчи, «қора дала»ларга айланарди. Болаликда унча яхши англамаган эканмиз, ўшанда ернинг бағри ёнган экан... Кўкда «туйнук» тешиланган экан...

Тасаввур этинг, мутахассис олимларнинг таъкидлашчи, 1 гектар майдонда бошоқли дон пояси ёқилганда, атмосфера ҳавосига 500 грамм азот оксиди, 379 грамм углеводород, 3 килограмм кул, 20 килограмм ис газини ва углерод оксиди (СО2) газини ташланади. Атроф-муҳит ифлосланади.

Бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларни шудгорлашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғриси-

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, вилоят партия кенгаши, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ёшлар билан ишрашда фаоллиқни кучайтириш, уларнинг

лар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ёшларимизнинг муносиб ўрни борлиги, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экан-

ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИ

жамият ривожига муҳим аҳамиятга эга

ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида мамлакатда олиб борилаётган изчил сиёсатни амалга оширишда фаол иштирок этиш, бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш масалалари хусусида атрофлича фикр юритилди.

Семинарда сўзга чиққан-

ни, ҳар бир ёш ўз имкониятларини рўёбга чиқариши учун керакли ҳуқуқий замин яратилганини таъкидладилар.

Трениннинг иккинчи қисмида мавзулар юзасидан интерактив усулда машғулотлар олиб борилди.

Семинар давомида ёшларда онгли фуқаролик масъулиятини шакллантириш, уларни бебаҳо миллий меросимиз руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгаллиги таъкидланди.

Музаффар ТУРОПОВ

сомон пояларини шудгорлашдан олдин тўплаш, унинг ёқиб юборилишига йўл қўймастик учун ташвиқотлар олиб бораёпти. Шунингдек, тупроқ унумдорлигига етказилган зарарни аниқлаш, ушбу ҳолатларни содир этган юридик ҳамда жисмоний шахсларга нисбатан жазималар қўлланиши, ернинг гомус қатлами кучайиб, тупроқ унумдорлиги пасайиб кетишига қарши Қишлоқ ва сув хўжалиги, Ички ишлар вазирлигининг Енғин хавфсизлик бошқармаси, маҳаллий ҳокимиятлар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, фермер хўжалиқлари уюшмалари билан ҳамкорликда аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Заминни асраш, тупроқнинг тақдирини учун қайғуринг орқали, аслида, биз ризки рўзимизни асраймиз.

Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Мавзуга қайтиб

«НАВБАҲОР ТЕКСТИЛ»

ип-йигирув-кавалаш корхонаси чет эл сармоясига ҳисобига қад ростлаб, иш бошлади

Навбахор туманида тўқсонинчи йилларда, дастлабки кўшма корхоналардан бири сифатида «Навоийтекст» ип йигирув корхонаси қурилиши бошланиб, ҳали «суяги» тикланмасдан, сармоясига ўзлаштириб юборилгани ҳақида газетамизда танқидий мақолалар эълон қилинган эди. 1998 йил 5 апрель куни чоп этилган «Туя гўшти «еган» қурилиши», 2002 йил 2 май куни босилган «Бир қурилиш тарихи» мақоласи шулар жумласидандир. Уларда қурилиш чўзилган чала иншоот ва қурилиш раҳбарлари томонидан 150 миллион сўм маблағ талон-торож этилгани қаламга олинган.

Ниҳоят, орадан шунча вақт ўтиб, ҳукуматимиз кўрган чоратадбирлар тўғрисида сармоядорлар топилди. Туркиялик сармоядор Одил Текин унга бош таъсисчи бўлди. У ҳамюрти Одил Элбистон билан бирга Давлат мудоқиматиси 2007 йил июль ойида ўтказган хорижий инвесторлар иштирокидаги ким ошди савдосида катнашиб, ташлашнинг иншоотни чет эл сармоясига киритиш шарт бўйича қабул қилиб олди. Қурувчи ва пудратчилар энг шимариб қурилиш майдонига келишди.

Гап фақат маблағ ёки сармоя топишда эмас, — дейди таъсисчи Одил Текин. — Гап — қурилиш қайси шаҳар ёки мамлакатда бўлмасин, сарф қилинган сармоя инсонга манфаат келтирсин, ўзини оқласин, одамларнинг оғирини енгил қилсин. Биз иншоотга 7 миллион АҚШ долларини микдорда инвестиция киритиб, аввало Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигида, қолаверса, дунё ҳамжамиятида муаммо ҳисобланган ишисизликни бартаф этишга озгина бўлса-да, хисса қўшдик. Шунинг ўзи менга қувонч бағишлади.

Туркиялик сармоячилар Тошкентдаги «Торсвек» маъсулияти чекланган жамият ҳамда «Қурилиш классик таъмир» шўъба корхонаси билан шартнома тузиб, янги корхонада бунёдкорлик ишларини амалга ошириш Германия, Швеция сингари давлатлардан «Туришлер», «Ретир» сингари замонавий энгил саноат дастгоҳлари олиб келинди. Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили баҳорида янги корхонада навбахорлик олтиш нафар хотин-қиз иш бошлади.


— Биз ишни шундай бошладик, — дейди комбинат ижрочи директори Шерзод Жумаев. — Йил охиригача чет эл ип-йигирув дастгоҳлари сони икки баравар кўпаяди, уч сменали иш йўлга қўйилади. Шунда корхонамиз ишчилари сони 166 нафарга етади. Бизни ўйлантираётган бирдан-бир муаммо — пахта толасидан йигирилган калава харидорини топиш эди. Шу мақсадда раҳбарият ва мутахассисларимиз яқинда энгил саноат ва тўқимачилик тармоғи ходимларининг Москва анжуманида иштирок этиб қайтишди. Бу юртмачилар топиб, шартнома имзолашди. Илк маҳсулотлари билан «Навбахор текстил» хорижий харидорлар тилига тушди.

— Корхона тўла қувват билан ишлаш бошласа, бир кунда олти тонна пахта толаси — момиқни тайёр ип калавага айлантириб беради. Бу эса бир йилда 6 минг 300 тонна тола қайта ишланади, дегани, — дейди Навбахор тумани ҳокими Абдураззоқ Нарзиёв. Корхона тўқув ва калава чекларини айланиб, кечачина мумкин иш жойи излаб юрган Навбахор Рўзиева, Мукаддас Эшмуродова, Дилсўз Эгамова, Фариди Шукурова, Олима Эшова каби ўнлаб кишлоқ қизларининг бугун Туркиядан келган Айсу Юсуф, Орхан Тарас, Гурбус Топал сингари тажрибали мутахассислардан иш ўрганаётганига гувоҳ бўлдик. Кишлоққа саноатнинг кириб келиши ҳаётга янги бир рух, жўшқинлик ва қайноқлик бағишлади. Шу маънода, янги корхона туман аҳлини қандай шодлантирганини тасаввур этиш қийин эмас.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Яхшилар ёди

Ҳошимжон Мирзааҳмедов деган ном ўзбек журналистикасида камтарроқ жаранглаши мумкин. Чунки у ниҳоятда камсуқум эди. Шу фазилати боис газеталарда ишлаб юрганида ҳам, радиода, телевиденида фаолият юритганида ҳам ҳеч қачон ўзини биринчи қилиб кўрсатишига қизиққан эмас.



1981 йилда ҳозирги ЎЗМУнинг журналистика факультетига ўқишга кирганимизда Ҳошимжон билан танишганимиз. Дастлаб уни обдон учар йигит экан-да, деб ўйлаганман. Сабаби унча-мунча ёши катта курсдошлар олдига ҳам тап тортмай ўринли лўқма ташлаб қолар, одатда бу лўқмалар жуда қулғили ҳолатларни келтириб чиқарарди. Кейинчалик мана шу лўқмалар жуда жиддий домпларнинг лекция залларига ҳам кўчди. Бир-икки марта панд еган пайларни ҳам бўлди, бироқ одатини ташламади.

Кейин билдик: у ёш бошига тушган барча ғам-қулфатларни қулғи ходимларининг Москва анжуманида иштирок этиб қайтишди. Биринчи сессияни топираётганимизда биз у билан қалин дўст эдик. Сессия тугаши билан унинг тақлифи билан тугилиб ўсган юрти Чуст туманининг Гова қишлоғига қараб йўл олди: қамина, Вафо Файзуллох, Нормурод Аваз — тўрт талаба. Ҳошимжоннинг Муҳиддинжон, Баҳромжон деган акалари бизни

ҚУВНОҚ ҲОШИМЖОН...

худди жигарларидай қучоқ очиб қутиб олишган. Акаларининг бири сартарош, бири шофёр экан. Бир аёл кишини аям деб таништирган. У аёл Ҳошимжонни еру кўкка ишонмас эди, ҳадеб алқар, айланиб-ўргиларди. Ўқишга киришидан аввал отаси қазо қилганини айтишдан эдик, шу аёл онаси деб ўйладик. Кейинроқ билдик: онаси эмас, опаси экан. Ушанда Ҳошимжон бизга ўзини онасиз, отасиз қилиб кўрсатишга тортинган экан. Тоққа чиққанмиз, чучмома, бинафша терганмиз, Говасойга тандирнинг шаппати нонини бўктириб еганмиз, Муҳиддинжон аканинг Говасой пишириб, ховлисинга тиниқ сув сачратиб ўтадиган кирғоқдаги синчли, панжакаш кичкина уйда икки кун тонготар сўхбатлар қилганимиз. Уй тўла Чуст дўппили одамлар, бири олиб, бири қўйиб аския қилиб қолади. Бу пайтда Ҳошимжон республиканинг номдор газеталарида яхшигина болалар шоири сифатида танилиб қолган, Мирзақарим Пирматов, Ҳамза Имомбердиев сингари

қилиб ўқий кетди. У одамни Ҳошимжон тоғам, деди. Биз дўстимизнинг қонда шоирлик бор экан-да, деб ўйладик. Йўқ, кейин билсак, у одам тоғаси эмас, опасининг эри — поччаси экан... Ўқишни битиргунча ҳам Ҳошимжон гуруҳимиздаги олд ижодкор эди. Тўртинчи курсга ўтар чоғимизда у оққон касаллигига йўлиқди. Чилнозордаги қон қуйиш институтида оилаб ётиб даволанар эди. Биз ўшанда ҳам бу касаллиқнинг жуда хавфли эканини сезмаганмиз, орқасидан боравериб, палатадошлари билан дўстлашиб қолгандик. Кейинги борганимизда дўстимизнинг таъкидлашича, уларнинг бири соғайиб, бири бошқа палатага ўтган бўларди. Аммо орадан уч-тўрт йил ўтган, у акаларининг ёрдами билан тоғдаги суғур гўштидан еб оёққа турди. Шунгача акаларидан ҳам касаллигини яшириб юрдик. Ҳошимжон шунини илтимос қилган эди. Тонготар сўхбатлардан бирида у ёрилиб қолди: ўшанда олти нафар палатадошларимдан фақат ўзим ти-

рик қолганман, сизларни оғринманлар деб алдаганман. Ҳа, Ҳошимжон жуссаси кичик бўлгани билан дардга мустаҳкам, ичиди йиллагани билан ташида қувноқдай юраверарди.

Ҳошимжон Мирзааҳмедовнинг журналист сифатида танилиб, оёққа туришида «Тонг юлдузи» газетаси, Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси мумкин бўлганда, Ҳошимжон ўта тоза, росттўй, билимли, доим ишончини оқлайдиган йигит эди. Шу боис телевидениенинг болалар ва ўсмирлар студиясига уни ҳеч иккиланмай раҳбар қилиб қўйишган. Уларнинг охиригача у шу вазифада ҳалол ишлади. Қатор лойиҳалар, янги кўрсатувлар қилди. «Жиддий ўйин», «Интеллектуал ринг», «Ўзбекигим ёшлари», «Ўзбекигим ўғлонлари», «Муъжизалар майдончаси» каби кўрсатувлар унинг бевосита муаллифлигида юзага келди ва телетомошабинлар меҳрини қозонди.

Ҳошимжон Мирзааҳмедов 45 йил умр кўрди. Оғир дардни ўйламай, нолимай яшади. Ўнлаб шогирдлари теле-радиожурналистика сирасорларини ўргатишга улгурди. Ортида Муҳаммаджон, Отабекжон исми жуда тарбияли, хушқулқ, илмли фарзандлар қолди. Оиласини, рафикаси Раънохонни қаноат билан яшашга, оддий умр кечиришга қўнқирди.

Уни билганлар олдиди Ҳошимжон ҳақида сўз очсангиз ўша заҳоти баҳри-дили очилиб кетади, сўнг «шундай дарёдий йигит ўтиб кетдимиз, а?» дея ўзига сўроқ бериб хомхуш тортади.

Бу — катта ган!.. Одамлар қалбиди яхши хотира қолдириш осон эмас.

Собир ҲНАР

МАҚОЛ ВА ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

Ҳабиб Нўмон табиатдан кам гап, камсуқум ва доимо ўйчан юрайдиган дошманд журналист эди. Теши тегмаган гаплар топиш, сўзларни чарқлаб ишлатиши билан қалам аҳли орасида «сўз зарари» деб тан олинган. Тапиқли ёзувчи ва журналист қатор публицистик мақолалари, очерклари ҳамда «Ғилқиди берган қўнғил» қиссаси ва «Отаромани билан машҳур эди. Ижодкор ён дафтарида олтинган қўйидаги ҳикматли сўзлар машаққатли касбимизнинг ҳаёт мактабини тўла ўтаганини англатади.

- ◆ Геолог вақти-соати билан қидиради, газетачи ҳақиқат қидиради.
- ◆ Газета — лекциясиз дорилфунун.
- ◆ Бошқа касбга ўтган киши эски касбинини унутishi мумкин, аммо журналист газетачи атрофидан кетолмайди.
- ◆ Мақтовга, хушомадга


- учан газетачи таназзулга юз тутди.
- ◆ Газетачи учун ҳар тонг бир умр.
- ◆ Қайсар бўлса муҳаррир — ходимлар ишда ҳорир.
- ◆ Дақиқ журналист мактовталба бўлади.
- ◆ Редакция тупроғини яламаган киши ҳақиқий адабиётчи бўлолмайди.

- ◆ Ўзинг ёзганини ўзинг қисқартирмайсан.
- ◆ Газета — масофа билмайди.
- ◆ Меҳмон ҳар замонда келади, газета кунда.
- ◆ Уйингга газета келмаса, уйингга янги гап қирмайди.
- ◆ Газетачилик — нина билан қудуқ қазишдир.

- ◆ Журналист фикрлай билмаса, фақат хабарчи бўлиб қолади.
- ◆ Талантсиз газетачи редакция коллективининг шўри.
- ◆ Осмонга қараган журналист куруқ нарса ташиб келади.
- ◆ Журналистни гонорар «қаритади».
- ◆ Мухбир-ғуз аслида хабарчи, қаразғўй мухбир эса ивгоғар.
- ◆ Газетага муҳаббат — элга, Ватанга муҳаббат.
- ◆ Газетачи хонаси келганда ҳеч кишини аямайди, у ҳақиқат жарчиси.
- ◆ Гонорарга ҳирс қўйган

- иждога қарамайди.
- ◆ Газетачининг иш соати йўқ, ётганда ҳам, юрганда ҳам ўйлайди.
- ◆ Секретарининг гўри — муҳаррирнинг шўри.
- ◆ Мақетнинг зеб-зийнати газета чикқанда билинади.
- ◆ Газетачилик нолишни ёқтирмайди.
- ◆ Яхши ходим газетадан ортмайди.
- ◆ Емон ходим ҳайдасанг ҳам кетмайди.
- ◆ Яхши мақоланинг қаноти ўзи билан.

Нашрга тайёрловчи Юнус ЭЙДОВ, меҳнат фахрийси.



ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРНИ ТИКЛАШ устида иш олиб борилмоқда

АҚШ давлат департаментининг расмий вакили Иэн Келлинг айтишича, Венесуэла ва АҚШ маъмуриятлари мамлакатлараро дипломатик алоқаларни тиклаш устида иш олиб борилмоқда.

Аслида бу борада ижобий ўзгаришларга шу йил апрелда асос солинган. Яъни Тринидад ва Тобагода бўлиб ўтган Америка давлатлари саммитида АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтон ва Венесуэла президенти Уго Чавес учрашиб, дипломатлар фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан фикрлашган эди.

Яқинда айнан шу масала юзасидан АҚШ давлат котиби ёрдамчиси ва Венесуэла ташқи ишлар вазири учрашди.

ИТАР-ТАСС хабар беришича, дипломатлар фаолияти қачон йўлга қўйилиши ҳозирча номаълум. Эслатиб ўтамиз: Венесуэла — Америка алоқаларига 1999 йил — Уго Чавес Венесуэла ҳокимияти тепасига келган, дарз кетган эди. 2002 йили Венесуэладаги давлат тўнтарошига уринишдан сўнг эса муносабатлар янада кескинлашди. Негаки, Чавес бунда АҚШнинг қўли бор, дея уни айблаганди. Уган йили сентябрда эса Боливия АҚШнинг дипломатик миссиясини бузувчилик фаолияти юртимизда тиклашга айблаган, АҚШнинг Боливиядаги элчисини мамлакатдан чиқариб юборган, Венесуэла ҳам Боливия билан бирдамлик эълон қилиб, АҚШнинг Венесуэладаги элчисини мамлакатдан чиқариб юборди. Шундан сўнг АҚШ ҳам Венесуэла ва Боливия элчиларини ўз давлатларига қайтарган.

ЖАРРОҲНИНГ АДАШУВИ беморга ҳимматга тушиди

«NEWSru Israel» сайтидаги хабарда қайд этилишича, яқинда Франциянинг «Сан-Франсуа де Меньильер» клиник шифохонасида

МАХСУС БОШҚАРМА ташкил этилди

Россия Федерацияси президенти фармонида кўра, Ички ишлар вазирилик таркибиди махсус бўлима — давлат ҳимоясига муҳтож шахслар хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ташкил этилди.

Эндиликда кимнингки ҳаётига қимлардир томонидан тажовуз қилиниши мумкин, деб ҳисобланган шахслар, масалан, бирор-бир жинсий иш юзасидан гувоҳлик берувчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи кишилар — прокурорлар, терговчилар, судьялар ва бошқа шахслар ушбу бошқармага мурожаат этиб, қўриқчи олиши мумкин.

Давлат ҳимояси бўйича янги идора раҳбарининг айтишича, йил бошидан бери 700 га яқин гувоҳ ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида милицияга мурожаат этган. Шуларнинг учдан бир қисми айни дамда янги идора вакиллари томонидан оиласи билан қўриқланмоқда.

«Бундан ташқари, 115 нафар мансабдор шахс хавфсизлигини ҳам биз таъминламоқдамиз», дейди бошқарма бошлиғи «Российская газета» мухбирига берган интервьюсида.

Шахсларнинг давлат ҳимояси учун ҳуқумат 5 йилга 1,5 миллиард рубль микдориди маблағ ажратди.

БАРЧА КОМПЬЮТЕРЛАР «порно-фильтр» дастури билан таъминланган

Хитой Саноат ва ахборот технологиялари вазирилик вакили маълум қилишича, гарчи, АҚШ маъмурияти эътироз билдираётган бўлса-да, Хитой маъмурияти мамлакатдаги фойдаланувда бўлган барча компьютерларга «анти порно-фильтр» дастурларини ўрнатиш режасидан қайтмайди.

«Чайна дели» газетасида чоп этилган мабдада қайд қилинишича, «Яшил дамба» номини олган бу дастур 1 июлдан эътиборан фойдаланувда ва сотувдаги барча компьютерларга ўрнатилади. Ушбу компьютер дастури ўсмир-ёшларни бузувчи, тарбияга салбий таъсир қилувчи порно-сайтлардан ҳимоя қилади.

АҚШ эса Хитойнинг бу саъй-ҳаракатини ёшларнинг ахборот қизиқишларини ва ахборот эркинлиги талабини чеклаш, деб баҳолаганди.

Урнатган. Бемор аёл 2003 йилдан бери донор буйрағига навбатда турган эди.

Бечора бемор операциядан сўнг ўзига келгач, жарроҳлар адашганини билган ва адвокати ёрдамиди клиника маъмуриятига қарши даъво кўзга тутишига эришган. Бемор эса дарҳол вертолётда «Кремлин-Бисетр» клиникасига олиб кетилган ва қайта операция қилинган. Юзага келган жоғоро на-тижасида операцияни амалга оширган жарроҳ ишдан ҳайдалди.

Гиеҳвандлик — соғлиқ кушандаси

ТУБАНЛИК

ёки оғу чанғалида қолган инсонлар тақдир хусусида

Гиеҳвандлик ҳар йили миллионлаб кишиларнинг ёстигини қуритмоқда. Унинг қора қилиши орқали оилалар барбод, рўзгорлар абгор бўлаётир. Бу иллат ҳатто болаларни ўз домига тортиб бораётир.

— Гиеҳвандликка чалинишнинг турли сабаблари бор, — дейди Деновадги 2-сон вилоят руҳий-асаб касалликлари шифохонаси бош шифокори Абдимўмин Нуруллаев. — Ароқхўр ва гиеҳвандликка мубтало бўлган оилаларда бунга мойиллик кўпроқ бўлади. Шунингдек, «Бир татиб қурай», деб бошланган қизиқш охири-оқибат киши умрига зомин бўлиши мумкин.

Шифохонамиз 2005 йилда ишга тушган эди. Дастлабки йилда 200 нафардан ортиқ гиеҳванд ва спиртли ичимликка муқкасидан кетганлар соғлиқларини тиклаш бўлса, 2008 йилда 144 киши шифо топган. Улар сонининг қамийиши бизни албатта хурсанд қилади. Гиеҳвандликдан ҳалос бўлиш аввало инсоннинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун кучли ирода, мустаҳкам саб бўлиши даркор.

— Дастлаб спиртли ичимликка рўжу қўйдим, — дейди термизлик Одина Мухаммадиева (исм-фамилиялар ўзгаририлган). — Кейинчалик гиеҳванд моддалар асирасига айландим. — Игнага ўтиргач», ноғирон фарзанд туғилди. «Бир чимдим» кайфу-сафо учун танамни сотган кезларим бўлган... Юкумли касалликка чалиндим. Дардим бедаволигини эшитгач, янада изтиробга тушдим...

— Оғу туфайли соғлигимдан айрилдим, оилам барбод бўлди, 2 нафар фарзандим етим, — дейди Узун туманида истиқомат қилувчи Уткир Мирзаев. — Қизикши билан бир тўйда уч-тўрт маҳалладош наша чекдик. Шу унга қарам бўлиб қолдим, денг. Оилада кенжа фарзанд бўлганим учун пулдан асло қийналмаганман. Аввалига бир кунда бир марта чексак, кейинчалик бу таъсир қилмай қўйди. Сўнг «героин» ни касб қилдим. Кунда 3 мартагача истемол қилинарди. Тўғриси, тобора тубанлик ботқоғига ботаётганимни тушунмасдим ҳам... Бир йилга яқин вақт ўтгач, ота-онам сезиб қолди. Бундай пайтда кишига пандунасиҳат, яхши гаплар кор қилармиди? Оила қурганимнинг эртаси қуниёк «ломка» бошланди. Тунда келиннинг ёлғиз қолдириб, кўчага отландим... Хуллас, қизиқши билан бошланган шўхлиқларнинг поёни интихосиздек эди. Унинг бир «пакет»ини уч минг сўмгача сотиб олардик. Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас экан. Икки йилда онамнинг тилла тақинчоқлари, уйдаги телевизор, музлатгич, гиламларгача сотилиб кетди... Қарзга «мол» бермаган миҳжозни пичоқлаб қўйгач, қамалдим. Узоқ йил «ўтиргач», ҳаётнинг нақадар ширин эканлигини тасаввур қилаялман...

— Гиеҳвандлик энг аввало соғлиқни емиради, — дейди нарколог шифокор Абдумурод Мўминов. — Эрта қариш, тишлар тушиб кетиши, тирноқлар синиши дастлабки аломатдир. Шунингдек, жигар ва талоқ шиши

циррозга сабабчи бўлади. Эркакларда жинсий заифлик қузатилса, аёллар бепушукликка чалинади. Мунтазам истемол қилиш киши умрини 15-20 йилга қисқартириши мумкин. Гиеҳванд онадан мажруҳ ва руҳий хаста бола дунёга келади. Энг ачинарлиси эса гиеҳвандларнинг асарияти ОИТСга йўлиқди.

— Касалликнинг олдиди олиш, унга қарши курашиш учун мамлакатимизда талай ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Денов туман наркология шифохонаси шифокори Александр Глазков. — Бугунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ОИТС марказларида «Ишонч хона»лари мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Унда ушбу касаллик бўйича бепул маслаҳатлар берилади. Барча маълумотлар эса сир сақланади.

— Гиеҳвандлар уч босқични босиб ўтади, — дейди шифокор Жўра Бобомуродов. — Бунда дастлаб, гиеҳванд моддага мойиллик сезилади. Ҳимоя жараёни емирилиб, уни мунтазам қабул қилишга қуниқиб ҳосил бўлади. Иккинчи босқичда эса киши батомом унинг қулига айланishi мумкин. Сўнгги босқич янада мушкул аҳволга олиб келади. Наша, кўкнор, морфин, героин, марихуана, опий, гашиш, бўларнинг бари умр заволидир.

Ҳаёт — улуг неъмат. Инсон ўзини азиз тутмоғи, турли оғулардан ўзини, оиласини, фарзандларини асрамоғи керак! Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ватан гўзаллигини, юксак инсоний туйғуларни авж пардаларда қўлайб ўтган Комилжон Отаниёзовдек буюк ҳофизлар, халфа-бахшилар ижоди халқимиз маданиятининг олтин саҳифаларини ташкил этади».

Ислом КАРИМОВ



шаларини шаҳарнинг турли бурчакларидаги замонавий тўйхоналарда ўтказарди. Ҳозир тадбиркор Фахриддин Усмонов маҳалла гузарини қуриб, ишга тушириш арафасида. Энди маҳалламизнинг ўзидаям тўйлар бўлади...

— Комилжон ака қўни-қўшилар билан

Хоразмда кўпгаб ота-оналар ўз фарзандларига Комилжон исмини қўйиши русм бўлгани ўтган асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Бу, албатта, машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг эл орасида бекиёс танилиши билан боғлиқ.

Комилжон ака асли Шовотнинг Бўйрачи қишлоғидан. Балки етти, балки етмиш аждоди шу ерда умргузаронлик қилиб ўтишгандир. Санъат оламига эрта кириб келган кўшиқчи иккинчи жаҳон уруши арафасида вилоят марказига кўчиб келган. Чунки, ўша вақтда фақат Урганч шаҳрида театр бор эди. У ушбу санъат даргоҳида ҳам бир қатор ролларни маромига етказиб ижро этган. Томошалар эса одатда кечкурун намойиш қилинарди. Йўл узок, йигирма чақиримлик масофага қатнаб ишлаш осонмас.

Ҳофизнинг умр йўлдоши Имсиной ая бир гал айтган эдилар: «Аваллида «Винзавод» яқинидаги маҳаллада яшаганмиз. Мен «Анча танилиб қолдирган, бошқа бир жойдан иморат қуриш учун уй ўрни сўранг», деб неча марта айтсам ҳам сўрамаганлар.

1950 йилларга келиб шаҳар анча кенгайди. Кунботардаги Шовот ва Қирғиз ариқлари ўртасидаги бир қатор оилаларга ер ўрни ажратиб берилди бошланди. Ҳофизнинг акаси ўзи ва укаси учун иккита тўрт ярим сотихлик ер олади. Ўша вақтда мактаб директори бўлиб ишлаган Фозил ака иморатини тўлиқ тиклашга улгурмади — 1954 йилнинг 1 май куни мотоциклда ҳалокатга учраб вафот этди. Шундан сўнг Комилжон ака иморатларни тиклади ва акаси фарзандларини ҳам бағрига олди...

Ҳозир Эгам Раҳимов номи билан аталган бу маҳаллада аввал бошдан санъаткорлар оилалари кўпинча топишган. Ўзбекистон халқ артисти, Хоразм мақолиларнинг бетакор ижрочиси Ҳожиҳон Болтаев, Онабиби Очилова, Ражаббиди Бобоқонов ва Қаландар Бойқонов... Барчаси унвондор, ўз соҳаси бўйича элга танилган санъат намояндалари. Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонлик кўрсатган Сотим Нурматов ҳам шу маҳаллада яшаб ўтган.

— Маҳалламиз унчалик каттамас, — дейди маҳалла оқсоқоли Бахтиёр Отаниёзов. — Тўрт юз йигирма хўжаликда икки ярим минг нафардан зиёд киши истиқомат қилади. Барчаси бир қаватли ховлилар. Болалар яқин атрофдаги мактабларга қатнашади. Маҳалла аҳли тўй-томо-

Буюк ҳофиз

иноқ, оқибатли инсон эдилар, — дея эслайди журналист Хусайн Раҳмон. — Биз девордармиён қўшни эдик. Туғилганимда уюштирилган базмда кўшиқ айтган экан. Уйланиш тўйимда ҳофиз энгил машинасини хизматимизга бериб қўйган. Ўзлари тўйни роса қизитган. Тўйга воҳанинг барча бурчакларидан келган меҳмонларни уйларига чорлаб, тонготар қўшиқ айтиб, зиёфат ҳам берган. Яна бир қизик воқеа: ёш пайтим оғриб, вилоят касалхонасида даволанганимда мени қўриш баҳонасида бутун ансамбли билан бориб, беморларга концерт берган. Ушанда беморлар орасида обрўйим ошиб кетган.

Охири гал хасталанганларида Ташкентга қўригани бордим. Самолёт эрталаб учарди. Бозорга тушдим. Ниятим сара мевалар харид қилиш. Яхши олмачини тарозига қўя бошладим. Сотувчи эса бундайроғини тикиштирди. «Буларни Комилжон акага олиб боряпман» деган гап беихтиёр оғзимдан чиқиб кетибди. Буни эшитиб бутун бозор аҳли келган. Ҳамма ўз мевасидан олиб кетишини сўрайди. Сўрайди эмас, ўтинишади. Пул олишмайди. «Комилжон акага олиб боринг, тезроқ соғайиб кетсинлар!» дейишади. Хил-хил мевалардан олиб борсам Комилжон ака «Бутун Хоразмини кўчириб келибсан» деб хурсанд бўлганди. Комилжон акани одамлар ўз жигари каби яхши қўришарди. Катта-ю кичик тилида — Комилжон. Гўё биродаридек, гўё яқин одамидек. Оқдид одамлар ҳеч қачон Комилжон аканинг фамилиясини айтишмаган. Ҳозир ҳам Комилжон дейишганида дарров буюк ҳофиз тушунилади.

1975 йилнинг кеч қузида пойтахтда вафот этиб, жасадини Хоразмга олиб келишганида аэропортга бутун Хоразм чқиди десам ишонаверинг...

Ҳофиз ҳақида турли гап-сўзлар юради. Уларнинг аксари вақт ўтиб афсонага айланиб ҳам улгурган. Тўйларда ҳофизни олқийлаб кишилар бўҳча-бўҳча пул тутишган.

Кўпинча у киши пулни олмас, бир-бир гапига ёки ёши улғи кишига тутқазиб «Дуо қилинг!» деб кетаверган. Санъати орқасидан топган маблағи эвазига мактаб қурдирган. Воҳанинг турли бурчакларидаги қабристон, муқаддас қадамжоларни обод қилишга берган хайри-эхсонлари қанча. Айнан шу савобли ишлари учун бир мuddат жабр чекканлар. Кимдир тегишли идораларга хат жўнатган. Ўша замонларда бу катта айб саналган. Комилжон ака яхшиларнинг маслаҳати билан устидаги қора булутлар тарқатувчи ўзини панаяга олган.

Комилжон ака ўта меҳрибон оила бошлиғи бўлган. Тинимсиз гастроллар оралиғида фарзандлар тарбиясига вақт топа олган. Ҳофизга фар-

ган» деган ёзувини айтмаса, адашиб излашингиз мумкин. Энди дунёга номи таралган улғу ҳофиз ҳеч бўлмаганда бундайроқ — хашаматли уйда яшаган бўлса керак деб чалғийсизда...

Бу уйда ҳофиз ва умр йўлдоши Имсиной ая Полвонова фарзандлари билан яшади. Икки ўғил, уч қизни тарбиялаб воёга етказдилар: Муборақ, Муҳаббат, Одилжон, Роҳатой ва Олимжон. Қизларни узатишди, Одилжонни уйлантиришди. Аммо Комилжон акага Олимжоннинг тўйини қўриш насиб этмади.

Комилжон ака ўта меҳрибон оила бошлиғи бўлган. Тинимсиз гастроллар оралиғида фарзандлар тарбиясига вақт топа олган. Ҳофизга фар-

ниёзовнинг неварасиман, дегин!» Неварам хафа бўлиб қайтиб келди. Кирага машинасини бермабди. «Комилжон аканинг неварасиман демасингми!? Танимаганини сийламас дейдилар». «Айтдим. Мен ундай одамни танимайман дейди»...

Бугун ҳофизнинг чирогини Одилжон ва Олимжоннинг фарзандлари ёқиб ўтирибдилар. Одилжон ака вилоят телевидениесида муҳандис бўлиб ишлайди. Уч ўғил, бир қизи бор. Ўғли Санжарбек олийгоҳда муҳандис бўлиб тахсил олаётган, яхшигина овози бор. Бобосининг йўлини давом эттириш балки унинг тақдирига ёзилгандир. Олимжондан икки ўғил, бир қиз қолган...

Мусибат ёлғиз келмайди, дейдилар. Аввал катта келиндари Султонпошша бевақт вафот этди. Кейин катта қизи Муборақ оламдан ўтди. Ая бу мусибатларни кўтара олмади — кўп ўтмай ҳаётдан кўз юмди. Уч мусибат улғу ҳофиз хонадонини мотамга солди...

Комилжон ака хонадонидан қайтаётган, у кишининг авлодлари яшаётган кўча номи билан қизиқамиз. Кўча Мўминжон Худойберганов деб юритилар экан. Дарвоқе, Урганчада Комилжон Отаниёзов номидаги маҳалла бор. Лекин у шаҳарнинг тамоман бошқа қисмида жойлашган...

Маҳалла оқсоқоли салкам олти йил илгари пайдо бўлган бу янги истикомат худудиде яшаган кишилар фарзандлари бугунга келиб бирор икки-уч минг хонадонга етгани, кўпчилиги бошқа маҳалла-мавзёларда яшаётганини ҳам айтиб ўтди. Сўхбат асосида мактабни ҳам қўйди: «Шаҳардаги энг тинч маҳалламиз. Бизда ўтган йилларда деярли бирор жиноят содир бўлмади. Қўни-қўшилар тинч, иноқ яшади. Ўғирлик деган иллат йўқ бўлиб кетган. Одамлар оғзи бирлигидан қўчаларимиз обод, уйлари-миз хашамдор бўлмасда фаёзли. Бу — аҳойиб инсонлар бизга қолдирган фазилатлар меваси».

Оқсоқолнинг ниятлари кўп. Яқинда бир гуруҳ санъаткорлар ҳақида хотира телекўрсатуви яратилганда иштирок этганини, келажакда юрта шунча машҳур санъаткорларни берган маҳаллада ҳимийлар кўмағида илҳамгина музей, ҳеч бўлмаганда бурчак ташкил қилиш орузи борлигини айтди. Бундай хайрли ишга ўзини Комилжон Отаниёзов қўшиқчилик мактаби вақилиман деб билган ёш хонандалар бош қўйишар деб умид қилаётган.

Яқинда Хоразм вилоят ҳокимлигининг кўллаб-қувватлаши туфайли ҳофиз яшаб ўтган уй таъмирланди. Бу маҳалла — Комилжон аканинг ватани. Уни улғулаган буюк Ватанининг бир бўлаги. Ҳофизнинг бир қўшиғида:

Ўзга юртининг боғи билан боғчаси,
Ўз юртининг янтоғинча кўринмас,
— деган сатрлар бор. Юртбошимиз вожага ташрифлари чоғида бир неча марта шу сатрларни такрорлаб, юрт кишиларини ўз туғилган тупроқларини севиб, ардоқлашга чақирганлар.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.
Эрпўлат БАХТ
олган суратлар.



Комилжон аканинг саҳнадаги бекиёс ролларини томоша қилиб, ундан завқланиб, кўшиқларига қулоққонди бўлиб ўсган. Оллоҳ таоло берган ноёб овозлари бор эди. Ўн минглаб томошабин тўпланган ўйингоҳларда микрофонсиз қўшиқ айтганида одамлар қўшиқ сўзи, унга мос мусиқадан сел бўлиб ўтиришарди. Қудратли овози юз қадамлик ўйингоҳнинг барча бурчакларига етиб борарди. Ҳозирда ўзини «юлдуз» атаган қўшиқчилар энгил тўрт қадамлик хонада ҳам микрофонсиз айта олишмайди. Яна тагин фонограмма. Олди-қочди, бемазмун қўшиқлар.

Комилжон аканинг ноёблиғи нафақат бетакор овози, балки қўшиққа мос шеър, мос мусиқа таллаши-топиши, ижод қилишида эди. Ўртбошимиз «Оқсак маънавият — энгилмас куч» асарига ҳозирги замон эстрада қўшиқчилиғи ҳақида қўниб айтганларида Комилжон акалар авлоди қолдирган бебаҳо меросга ёш хонандалар бефарқлиғига эътибор қаратганлар...

Маҳаллада катта-кичик ўн иккита кўча бор. Шовот ариғи бўйидаги кўча ҳофиз номида. Ўзи яшаб ўтган, бугунда фарзандлари истиқомат қилаётган кўча берк тор кўча. Уйлар ҳам бундан деярли олти йил муқаддам тикланган. Агар уй олдидаги лавҳага «Бу ерда Комилжон Отаниёзов 1954-1975 йилларда яша-


зандлар камолини қўриш насиб қилди, аммо тақдир экан, фарзанд доғини тортиш ая елкасига тушди. 1993 йилда Олимжонни тунда ишдан қайтаётганда машина уриб кетди... Имсиной ая бир ҳафта эдо бўлади.

Имсиной ая нозик қалб аёл эдилар. Шеърятга ошно — ўзлари ҳам муштор йўлларда шеърлар ёзарди. Умири охирида энг сара газал-шеърларини тўплаб чоп ҳам қилдирдилар.

Улғу ҳофизга Президентимиз Фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени берилганида янги кўтлагани бордик. Умири адоғида кўзлар хира тортса-да, ая анча бардам, хотираси тиниқ эди. Анча сўхбатларини олдик. Гап орасида бир воқеани қуониб айтиб берганлар. Бу ҳақда ая ҳаётлиғида ёзмадик, ўрни келганда қарзимизни узмасак бўлмайди. Ая нимага қуонганди: «Олимжоннинг катта ўғли бекор юрганди. Қўлида яхши хунари бор — машина ҳайдайди. Шаҳарда ўнлаб энгил машиналарини ижарага берган хонанда бор. Ўзини Комилжоннинг шоғирдимиан деб мақтаниб ҳам юради. Неваранин шунинг ёнига жўнатдим. «Бориб салом айт, бир машинасини ижрага берсин, етим қолган уқанларга қарашасин. Ижара пулини вақтида бериб турамиз, де. Агарда кўнмаса Комилжон Ота-

Баркамол авлод орузи

Барча қўлайликларга эга таълим маскани



Самарқанд қишлоқ хўжалик институти қошидаги 1-сонли академик лицей ташкил этилганига эндигина тўрт йил бўлди. Лекин шу қисқа вақт мобайнида ўқув даргоҳи ўзига муносиб обрў-эътибор қозонди. Ҳозир таълим даргоҳида 900 нафардан ортиқ йиғит-қизга 85 нафар ўқитувчи-мураббий бешта йўналиш — математика ва информатика, ижтимоий-гуманитар, она тили ва адабиёти, хорижий тиллар, табиий фанлар бўйича таълим бериб

келмоқда. Академик лицей энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Бу ерда физика, кимё, биология фанларига мослаштирилган иккитадан лаборатория хоналари, 4 та компьютер ва 4 та лингафон синфхоналари ҳамда барча имкониятларга эга 50 ўринли Ахборот-ресурс маркази мавжуд. Марказдаги компьютерларнинг ҳаммаси интернет тармоғига уланган бўлиб, ундан ўқувчилар электрон ахборотлар ва дунёда бўлаёт-

ган воқеа-ходисаларни қўзиб бориш билан бирга ўқув дарслик ва адабиётлардан ҳам фойдаланиш имкониятига эгадирлар.

— Ўқувчилар дарсдан сўнг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун 10 дан ортиқ фанларга ихтисослашган ва 9 та спорт тўғрараклари фаолият кўрсатмоқда, — дейди лицей директори Ғайрат Хўжаев. — Таълим даргоҳимизда тахсил олаётган билимга чанқоқ ёшларимиз нафақат вилоят балки, республика миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадаларида ҳам фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Бундан ташқари, республика ва вилоятларда ташкил этилаётган бир қанча спорт мусобақаларида лицей жамоаси фаол иштирок этиб, ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олмақда. Таълим муассасасининг бундай муваффақиятлари ўз касбининг фидойи ўқитувчиларининг меҳнати самарасидир, албатта.

Демак, бу ерда ўқиш истиқини билдирганлар пухта билим олишлари учун кенг шароит ва имкониятлар яратилган.

Тошкент ХУДОЙҚУЛОВ.
Суратларда: лицей ҳаётидан лавҳалар.



Хусан Тўнаев олган суратлар.

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

Яшил майдон янгиликлари

Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. 14-тур ўйинлари натижалари: «Шўртан» — «Андижон» — 1:1, «Локомотив» — «Бухоро» — 1:3, «Насаф» — «Хоразм» — 0:1, «Пахтакор» — «Олмалик» — 4:1, «Динамо» — «Қизилқум» — 3:0, «Навбахор» — «Машъал» — 2:1, «Сўғдиёна» — «Нефтчи» — 0:3, «Металлург» — «Бунёдкор» — 0:4.

Осиё чемпионолар лигаси. Чорак финал қатнашчиларининг номи маълум бўлди: «Бунёдкор» (Ўзбекистон), «Пахтакор» (Ўзбекистон), «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони), «Умм Салал» (Катар), «Поханг Стилерс» (Корея Республикаси), «Сеул» (Корея Республикаси), «Кавасаки Фронтале» (Япония) ва «Нагойа Гамбус» (Япония). Қўраш ташлаш маросими 29 июнь куни бўлади.

Конфедерациялар кубоғи. Жанубий Африка Республикасида (ЖАР) мусобақанинг арим финал учрашувлари бўлиб ўтди. Испания — АКШ — 0:2, Бразилия — ЖАР — 1:0.

Учтадан иккитаси бизники

Пойтахтимизда Халқаро шохмат федерацияси (FIDE) тасарруфига кирган минтақавий саралаш мусобақалари ўтказилди. Уларда Ўзбекистон, Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистоннинг энг кучли 25 нафар шохматчиси, жумладан, 6 нафар гротсмейстер, 7 нафар халқаро миқёсдаги спорт устаси, 5 нафар FIDE спорт устаси кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқини берувчи 3 та йўлланма учун дона суришди.

Эрақлар мусобақасидаги 14 қатнашчи ўртасида 13 имкониятдан 10 тадан очко тўплаган тожикистонлик Фаррух Амонатов ва юртимизнинг иккитадорли ёш гротсмейстери Антон Филиппов жаҳон кубоғига бериладиган икки йўлланмага эгалик қилишди. Аёллар мусобақасида 10 имкониятдан 8 очко жамгаган истеъдодли ёш шохматчimiz Нафиса Мўминова ғолиб чиқиб, жаҳон чемпионатининг яқиний босқичига бериладиган ягона йўлланмани қўлга киритди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент иқтисод бухгалтерлик техникуми томонидан Расулов Қахрамон Шодиевич номига 1993 йил 4 июлда берилган № 270866 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи суд-тиббий экспертиза Бош бюроси жамоаси Жиззах вилоти суд-тиббий экспертиза бюросининг бошлиғи А.Х.Раҳимовга ўғли Баҳодир РАҲИМОВнинг фожиали вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afvor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Musiliddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchesi: Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozining kompyuter markazida teriladi va sahifalandi»
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxonamanzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma tabaq.
Gazeta shehna, paxshaba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat nuxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
13339 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'z A yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 00.00
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda arkin narxda